

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ҚАЙТГАН ШАХСЛАРГА МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Элмуродов Элдор Усмон ўғли

ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8374902>

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунида ҳам шундай моддалар мавжудки, уларда маҳалла фуқаролар йиғинларига маълум бир маънода вазифалар белгилаб беради.

Жумладан, Қонуннинг 8-моддасида “Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва хулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инobatга олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин”, 13-моддасида “Агар назорат остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаётганлиги, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя қилаётганлиги ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётганлиги аниқланса, шунингдек яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойидан ижобий тавсифномалар мавжуд бўлса, маъмурий назорат муддатининг камида ярми ўтгач ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд назорат остидаги шахснинг ёки унинг вакилининг аризаси асосида, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига кўра маъмурий назорат суд томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин”-деб белгиланган норма маъмурий назорат бўйича маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам маълум бир ваколат ва вазифалар юклатилганлигини кўрсатади.

Шунингдек, қонунда маъмурий назоратни амалга оширувчи асосий субъектлардан ҳисобланган ички ишлар органларининг маҳалла фуқаролар йиғини билан маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш бўйича ҳамкорлигини белгиловчи нормалар мавжуд. Хусусан, маъмурий назоратни амалга оширишда ички

ишлар органларининг ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида маҳулла фуқаролар йиғини билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

назорат остидаги шахснинг ҳулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятдан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;

профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириш, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш; ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин¹.

Бундан ташқари, маъмурий назорат остидаги шахсларнинг содир этган жиноятлари ижтимоий хавфлилик даражаси бошқа турдаги жиноятларга нисбатан юқори ҳисобланади. Шу боисдан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши қонунчиликда белгиланмаган, аксинча, айрим тоифадаги илгари судланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши тартиби белгиланган. Юқоридагиларга асосланган ҳолда маъмурий назорат остидаги шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда улар содир этган жиноятлар таҳлили ва уларнинг содир этилиши механизми ҳамда суд томонидан ҳукмда белгилаб берилган жиноий жазоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади².

Маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан уларга нисбатан ўрнатилган маъмурий чекловлар ва бошқа мажбуриятлар бажарилишининг ҳуқуқий кафолати Ўзбекистон Республикаси МЖТК ҳисобланади. Жумладан, МЖТКнинг 206-моддасида устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг бундай назорат қоидаларини бузиши – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача

¹ Соипов Б. Б. Маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг роли //Юриспруденция. – 2022. – Т. 3. – №. 5.

² Ахмедов Ҳ. Маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 52-57.

миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Мазкур норма умумий асосларда жавобгарликни назарда тутадиган бўлса, МЖТКнинг 205-моддасида (Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш) махсус шароитларда маъмурий назорат қоидаларини қўллаш назарда тутилган. Унга кўра, фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда маъмурий назорат қоидаларини бузиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўттиз суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда МЖТКнинг 206-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш кўрсаткичлари ошган. Жумладан, 2016 йилда – 1642 та, 2017 йилда – 1808 та, 2018 йилда – 3414 та, 2019 йилда – 3972 та, 2020 йилда – 5116 та мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик факти аниқланган³.

Профилактика инспекторининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги, 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги қонунлари шунингдек бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширади ва бу ҳужжатлар алоҳида асос сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир⁴. Чунончи, Дж.Х. Юлдашевнинг таъкидлаганидек, – “Миллий қонунчилигимиз нормаларини таҳлил этиш, уларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади”⁵.

³ Ахмедов Х. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилган айрим тоифадаги шахслар устидан ўрнатилган маъмурий назоратнинг ҳуқуқий асослари таҳлили //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 529-534.

⁴ Юлдашев Д. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги қонуннинг ўзбекистон фуқаролигини олиш асослари ва шартларини белгиловчи айрим нормалари таҳлили //Юрист Ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 26-31

⁵ Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон Республикасида боланинг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4. (2020), Б. 38-43

